КУТУБХОНАСИ

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 208 (10.513) / 2005 ЙИЛ 21 ОКТЯБРЬ

*Бугун — Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган кун*

## ТИЛ — МИЛЛАТ КЎРКИ



***Бундан ўн олти йил муқаддам Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг ҳаёт юзини кўриши миллий ўзлигимизни янада теранроқ англаш, она юртимизга бўлган ҳурмат ва унинг мавқеини юксалтиришда муҳим омил бўлди. Айтиш жоизки, тил — миллат кўрки, инсонларнинг ички дунёсини намоён этувчи қудратли воситадир. «Тилга ҳурмат — элга ҳурмат» деб бежиз айтишмаган донишмандларимиз.***

***Бугун мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида, айниқса мактабларда тил байрами қизғин нишонланяпти. Жажжи фарзандларимиз мактабгача таълим масканларида, мактабда устоз ва мураббийларидан она тилимизда ёзиш ва ўқишни, гапиришни тўлиқ ўрганадилар. Зеро она тилимизга бўлган ҳурмат ва муҳаббат аввало оилада, мактабда шаклланади.***



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

**20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2005 йилнинг тўққиз ойида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳокама қилинди.**

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида, шунингдек Оқсарой қароргоҳида ҳукуматнинг янги таркиби иштирокида 7 февралда ўтказилган йиғилишда сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифаларга мувофиқ бозор ислоҳотларини жадаллаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш жорий йилнинг ушбу даврида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Шуни алоҳида қайд этиш кераккки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий муҳофазасини мустаҳкамлашга, солиқ юкини камайтиришга, солиқларни тўлаш тизимини ҳамда ҳисоботлар тақдим этишни соддалаштиришга, молиявий жавобгарликни эркинлаштиришга, шунингдек тадбиркорлик субъектларини текширишларни тубдан қисқартиришга ва ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим фармонлар ва қарорларнинг қабул қилиниши бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда ҳамда иқтисодиётни янада эркинлаштиришда муҳим босқич бўлди. Мажлис кун тартибини муҳокама қилишда асосий эътибор ҳукумат олдига қўйилган масалаларнинг қандай бажарилаётганлигига, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ушбу вазифаларни бажаришга нечоғлик масъулият билан ёндашаётганлигига, кейинги ойларда иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар пакетини амалда рўёбга чиқаришда расмиятчилик ҳолларига барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш масалаларига қаратилди. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилаётганлигини мазкур даврдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар яққол тасдиқлайди. Чунончи, ҳисобот даврида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари сақланиб қолди ва 7,2 фоизни, шу жумладан саноатда 107,7 фоизни, қишлоқ хўжалигида 107,3 фоизни, қурилишда 106,6 фоизни, чакана товар айланмасида 108,6 фоизни, пулли хизматлар кўрсатишда 114,5 фоизни ташкил қилди, шунингдек бунга инвестицияларнинг 106,9 фоизга ва экспортнинг 109,7 фоизга ўсганлиги ёрдам берди.

Мўътадил-қаттиқ пул-кредит сиёсати, бир томондан, инфляция даражасини асосан прогноз параметрлари доирасида (3,1 фоиз) сақлаш имконини берди, иккинчи томондан - хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларга талаб қилинган пул хизмати кўрсатилишини, нақд пул маблағларининг, энг аввало иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлади.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари давлат бюджети даромад қисмининг 102,2 фоизга бажарилишига ёрдам берди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди.

Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган харажатлар бюджет умумий харажатларининг 51 фоизини ташкил қилди.

Мониторинг кўрсатганидек, иқтисодиётда инвестиция фаоллигининг ошиши кузатилмоқда, айни вақтда капитал қўйилмалар миқдори ўсди. Хорижий инвестициялар ва кредитларнинг умумий ҳажми 423 миллион АҚШ долларини (9 ой прогнозига нисбатан 102 фоизни), шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 296,4 миллион АҚШ долларини (9 ой прогнозига нисбатан 124 фоизни) ташкил қилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги «Бурсель-Тошкент» қўшма корхонасида ип калавалари ва тайёр тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш бўйича, Кўкдумалоқ конида қўшимча газларни утилизация қилиш бўйича, «Евро Стоун» қўшма корхонасида пардозлаш плиталари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар тугалланди, Самарқанд вилояти қишлоқ туманларини электр энергияси билан таъминлаш бўйича ёрдамчи электр станциялар ишга туширилди. «Шарқ неъматлари» қўшма корхонасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаси ўзлаштирилди. 58,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги JBIC қарзи ҳисобига ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш тугалланди.

Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига Толимаржон иссиқлик электр станциясининг 1-энергоблоки, Муборак-Ғаллаорол газ қувурининг 9,7 км узунликдаги участкаси, трикотаж ва тикув буюмлари, трикотаж матолар, ип калавалари, газламалар ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди.

Аграр секторни жадал ислоҳ қилиш ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш дон экинлари ва пахтадан рекорд ҳосил олишга эришиш имконини берди. Масалан, пахтачилик тарихида биринчи марта деҳқон ва фермерлар октябрь ойининг ўрталарида белгиланган шартномавий мажбуриятларни бажардилар - 3 миллион 600 минг тонна қимматли хомашё тайёрладилар. Вилоятларнинг аксарияти ва Қорақалпоғистон Республикаси шартномавий топшириқларни қисқа муддатда бажардилар.

Мажлисда эришилган натижалар билан чегараланиб қолмаслик ва ҳукумат қўйилган вазифаларни босқичма-босқич амалга оширишни давом эттириши зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Мажлис кун тартибидаги ғоят долзарб бўлган биринчи масала - уй-жой-коммунал хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш дастурларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижалари, шунингдек иқтисодиёт тармоқларининг, ижтимоий инфратузилма объектлари ва уй-жой фондининг 2005-2006 йиллар кузқиш даврига тайёрлигининг аҳволи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Ханов маъруза қилди.

Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида бозор механизмларини жорий этиш мақсадида уй-жой эгалари ширкатларини ихчамлаштириш ҳисобига 44 ширкат уюшмалари ташкил этилди. Уй-жой эгалари ширкатлари сони йил бошидаги 1493 та ўрнига 2129 тага етди. Уларнинг бошқаруви ва тасарруфига умумий майдони 73,6 миллион квадрат метр ва уйлар атрофидаги ер участкалари 87,4 миллион квадрат метр бўлган 26435 та уй-жойлар берилди.

Давоми 2-бетда.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 майдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 528-сонли қарорлари ижроси бўйича шаҳар комиссиясининг 2005 йил тўққиз ойи давомида амалга оширган ишлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни Яккасарой туман Ўқувчилар ижодиёти марказида «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши ташаббуси билан етакчилар иштирокида ўқув семинари ўтказилди.

● **ЎТГАН КУНИ** Юнусобод туманидаги 31-оилавий поликлиникада «Маънавият ва маърифат» марказининг Юнусобод туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбатида никоҳланувчи шахсларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг аҳамияти борасида сўз борди.

● **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлигида туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида маҳаллаларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар вакиллари иштирокида Рамазон ойи муносабати билан тадбир уюштирилди.

● **БУГУН** Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ташаббуси билан «Миллий мустақиллик ва давлат тили равнақи» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Бугун Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти томонидан Россиянинг «Политика» фонди билан ҳамкорликда ташкил этилаётган «Марказий Осиёда хавфсизлик муаммолари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция бошланди.**

**● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки» мавзуида семинар ўтказилди.**

**● Нукус шаҳридаги янги замонавий спорт иншооти — ёпиқ теннис кортида тарбияланаётган болажонларга Юртбошимизнинг совғалари — қишки-ёзги спорт кийим-кечаклари топширилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Камолот» ЁИҲ ташаббуси билан «Спорт маликаси -2005» танлови ўтказилди.**

**● Жиззах вилоят марказида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига киритилган яна бир муҳташам иншоот — вилоят тиббий диагностика маркази иш бошлади.**

**● Қарши шаҳрида Туркиянинг «АТС-Актифтекс-ИВА» фирмаси томонидан молиялаштирилган «Барантекс» корхонаси иш бошлади. Пахта толасидан ип-калава ва трикотаж газлама ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу хорижий корхона маҳсулотларининг асосий қисми чет элга экспорт қилиниши мўлжалланмоқда.**

### Жаҳонда

**● Шимолий ва Марказий Америкага таҳдид солаётган хавфлилиги жиҳатидан энг юқори — бешинчи тоифага киритилган «Вильма» тўфони яқинлашиб келиши муносабати билан АҚШ, Мексика ва Кубанинг хавфли ҳудудларидан кишиларни эвакуация қилиш ишлари бошланди.**

**● Россиянинг Тула вилоятида парранда гриппи билан касалланган қушлар ва илк беморнинг қайд этилиши муносабати билан Европа Иттифоқи ушбу қитъа мамлакатларига Россиядан паррандаларнинг экспорт қилинишини тақиқлади.**

**● Хитойнинг Шанхай провинциясида Интернет орқали болалар савдоси билан шуғулланмоқчи бўлган жиноий гуруҳ устидан тергов жараёнлари бошланди.**

**● Жаҳоннинг барча мамлакатларидаги кредит уюшмалари бугун Халқаро кредит уюшмалари кунини нишонлашди.**

**● Беларусь автомобиль заводида 320 тонна юк кўтаришга мўлжалланган «БелАЗ-75600» карьер ўзи ағдаргич юк машинасининг тақдимоти ўтказилди. Ушбу янги машина тоғ-кон саноати ривожланишининг жаҳон тенденцияларига жавоб беради.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Давоми. Боши 1-бетда.

1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини ва муҳандислик коммуникацияларини мукаммал таъмирлаш дастурини бажариш мақсадида 2005 йил 1 октябргача 2541 уй-жой таъмирланди ёки йиллик топшириқ 82 фоизга бажарилди. Андижон вилоятида таъмирлаш бўйича йиллик топшириқ 77 фоизга, Сирдарё вилоятида 42 фоизга, Сурхондарё вилоятида 68 фоизга, Тошкент вилоятида 76 фоизга ва Хоразм вилоятида 58 фоизга бажарилди. Шу билан бирга, мукаммал таъмирлаш жадвалида асосан жойларда молиялаштиришнинг етарли эмаслиги ва ишларнинг яхши ташкил этилмаганлиги сабабли узилишларга йўл қўйилмоқда.

Жиззах, Андижон, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида кўп квартирали ва якка тартибдаги уй-жойларда сувни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш бўйича кўрсаткичлар даражасининг пастлиги аниқланди. Сурхондарё, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ҳисобга олинмаган истеъмолчилар сонининг кўплиги ва уларнинг коммунал хизматлар кўрсатиш юзасидан шартномалар билан тўлиқ қамраб олинмаганлиги қайд этилди. Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида коммунал хизматлар бўйича дебиторлик қарзларнинг анча ўсишига йўл қўйилган. Ушбу ва бошқа ҳал этилмаган вазифаларни амалда ҳал этиш учун энг жиддий чора-тадбирлар кўрилиши ҳамда ҳамма жойда тўлов интизомни ошириш, куз-қиш даври шароитларида ишлашга зарур тайёргарликни таъминлаш зарур.

Тегишли тузилмаларга уй-жой-коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, айниқса уй-жой эгалари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш харажатларининг ва коммунал корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун тарифларнинг шаклланиши, олдинги куз-қиш даврида ишлашга электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларини, газ узатиш тизимини тайёрлашни назорат қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ушбу масалалар бўйича «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори Ў.Холмуҳамедов, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Улашов, «Ўзбекэнерго» компанияси раиси Э.Шоисматов, «Ўзтрансгаз» компанияси бош директори И.Вагапов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев ва Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Р.Жалилов ҳисоботлари тингланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигига муқобил ёқилғи манбалари билан узлуксиз таъминлашга, энергия ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйишга, ушбу вазирликларга қарашли объектларда совуққонлик билан муносабатда бўлиш ҳолларига йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала - иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш минтақавий дастурларининг бажарилиши ҳамда истиқболсиз хўжалик юритувчи субъектларни тугатишни жадаллаштириш тўғрисида Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси Г.Саидова сўзга чиқди. Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда илгари хусусийлаштирилган 4768 корхонанинг фаолияти таҳлил қилинди. Аниқланишича, улардан 732 корхона (15,4 фоиз) доимий равишда молиявий нобарқарор кўрсаткичларга эга. Навоий (илгари хусусийлаштирилган корхоналарнинг 31 фоизи), Сирдарё (25 фоизи), Жиззах ва Хоразм (24 фоиздан), Самарқанд (22 фоизи), Андижон (21 фоизи) вилоятларида молиявий нобарқарор корхоналар салмоғи энг юқори. Тармоқ бўйича бундай корхоналарнинг энг кўпи «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (52 та - 42 фоиз), «Ўзбек ипаги» уюшмаси (40 та - 21 фоиз), «Ўзлахтасаноат» уюшмаси (17 фоиз), «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси (15 фоиз) тизимига тўғри келади.

Таҳлил якунларига кўра 226 та (31 фоиз) истиқболсиз корхона бўйича банкротлик ишларини бошлашга қарор қилинди. Амалиёт шуни кўрсатадики, тугатиш тартиботлари иқтисодиётни соғломлаштиришнинг самарали воситаси ҳисобланади. Кейинги икки йил мобайнида тугатилган 75 банкрот корхона негизида 103 та янги ишлаб чиқаришлар ташкил этилди. Уларда ҳозирдаёқ 1,7 миллиард сўм ўзлаштирилган ва 2005-2006 йилларда жами 108 миллиард сўм маблағни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Банкрот корхоналарни тугатиш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида кўриб чиқишни, суд ҳужжатлари қабул қилиш ва уларни ижро этишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси А.Ишметов сўзга чиқди.

Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари П.Тангриев ва Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари М.Эркаев зарар кўриб ишлаётган ҳамда иқтисодий ночор истиқболсиз корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш минтақавий дастурининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этишди. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (Баҳромов), «Ўзбек ипаги» (Рўзиқулов), «Ўзэлтехсаноат» (Умаров), «Ёғмойтамакисаноат» (Худоёров) уюшмалари раҳбарларига иқтисодий ночор корхоналар сонининг ўсиши давом этаётганлиги ва уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда шунингдек 2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳам кўриб чиқилди. Республика ва маҳаллий бошқарув органлари мансабдор шахсларининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирларнинг бажарилиши, объектлар ва давлат активларини инвестиция мажбуриятлари эвазига текин бериш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида Давлат мулки қўмитасининг раиси М.Асқаров сўзга чиқди. Ҳудудий танлов комиссиялари қарорларига кўра инвестиция мажбуриятлари эвазига текин беришга қўйилган 104 корхона ва объектдан 99 таси 12,6 миллиард сўм миқдорида инвестициялар қўйиш шарти билан берилган.

2005-2006 йилларда хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 627 давлат корхонаси, объектлар, акциялар пакетлари ва улушлар сотилган, бу йил прогнозига нисбатан 68 фоизни ташкил этди. 9 ой мобайнида 729 давлат корхонаси мулкчилик шаклини ўзгартирди, 659 корхона ва объектлар хусусий мулкдорлар томонидан сотиб олинди. Хусусийлаштиришдан тушган маблағ 56,2 миллиард сўмни ташкил қилди.

2003-2005 йиллар мобайнида инвестиция мажбуриятлари эвазига текин берилган 309 объектдан 64 тасида (берилганларнинг 20 фоизи) инвестиция қўйилмалари мажбуриятлардагидан кам. Шу сабабли 25 та (8 фоиз) объект бўйича ҳозирдаёқ олди-сотди шартномалари бекор қилинган ва улар такрорий савдога қўйилган.

Шу билан бирга, объектларни хусусийлаштиришнинг тасдиқланган дастурлари бўйича топшириқлар «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзбексавдо» компанияларида, «Ўзбеккино» миллий агентлигида, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасида бажарилмаган.

Ушбу масалалар бўйича музокараларда «Ўзбекенгилсаноат» компанияси раиси А.Баҳромов, Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Болтабоев, Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари З.Мирзаев сўзга чиқдилар. Масалаларни муҳокама қилиш натижаларига кўра раҳбарларнинг эътибори Хусусийлаштириш дастурининг бажарилиши, шунингдек хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан ишларнинг етарли эмаслигига, келгусида давлат активларини сотиш тўловларини таъминлашга қаратилди ҳамда уларнинг зиммасига Дастур параметрларининг бажарилишини таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирлар кўриш юкланди.

Мажлисда аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида шахсий ёрдамчи хўжаликларда, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар боқиш ва уларнинг бош сонини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан киритилган.

Ривожланишга тўсқинлик қилаётган муаммолар, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларини янада рағбатлантиришга доир таклифлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Голишев ҳамда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С.Қобилов сўзга чиқдилар.

Чорва моллари ўстириб, бутун мамлакат аҳолиси фойдаланадиган чорвачилик маҳсулотлари етиштириб, ўз фаолиятидан даромад олаётган деҳқонлар ва уларнинг оила аъзоларини иш билан таъминланган деб ҳисоблаш учун барча асослар бор. Қолаверса, бандликнинг ушбу омили энг кам сармоя талаб қилади. Уларни иқтисодий жараёнларга тўлақонли жалб этиш учун бундай субъектлар фаолият кўрсатишининг юридик жиҳатларини ҳал қилиш — чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш юзасидан шартномалар тузилишини таъминлаш зарур. Хизмат кўрсатувчи инфратузилмани шакллантириш вазифаси ҳам муҳимдир. Тегишли вазирликлар ва идораларга амалдаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, аҳоли бандлигини ҳисобга олиш методикасига ҳам зарур ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлаш топширилди.

«Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси М.Худоёров, «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси раиси М.Холов, Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари Б.Тўраев, Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Ш.Назаровнинг чиқишларида чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликларини шрот ва шелуха билан таъминлаш масалаларига, ушбу соҳада шартномавий интизомни мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди. Шунингдек, тармоқ тизимига кирувчи чорвачилик хўжаликлари самарадорлигининг пастлигига, маҳсулотлар таннархининг ўсиб бораётганига, ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар иштирокида кооперативлаштирилган тузилмаларни ташкил этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг муҳим омили сифатида чорвачилик билан шуғулланувчи деҳқон хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги масъулиятига эътибор қаратилди.

Ушбу долзарб масалалар муҳокамаси якунида 2006-2010 йилларда республика шахсий ёрдамчи, фермер ва деҳқон хўжаликларида чорва молларини, биринчи навбатда қорамоллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тузишга қарор қилинди.

Кун тартибидаги охирги масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги қарорини бажариш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажоновнинг ахбороти тингланди.

Президент қарорида кўрсатилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2005 йилнинг август-сентябрь ойлари мобайнида нақд пул тушуми олдинги ойларга нисбатан 25 фоиздан зиёд, шу жумладан савдодан тушум — 28 фоизга кўпайди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида тижорат банкларида аҳоли омонатлари ҳажми 21,3 фоизга ошди.

«Ишонч телефонлари» ўрнатилган ва махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Улар тушаётган шикоятларни дарҳол қайд этиш ва умумлаштириш имконини бермоқда. Ушбу шикоятлар бўйича зудлик билан чора-тадбирлар кўрилмоқда. Натижада шикоят ва аризалар сони кескин қисқарди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

---

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тадбиркорлик субъектларининг ривожланишида муҳим омил бўлиб, уларнинг фаолиятига туб ўзгариш ясади десак муболаға бўлмайди.

Мазкур Фармон асосида микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади.

Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текширишдан ўтказилмайди.

*Фармон ва ижро*

## ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

**Кейинги пайтларда мамлакатимиз раҳбари томонидан тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, бизнес субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, хусусий тармоқнинг республика иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш мақсадида бир қатор Фармон ва Қарорлар қабул қилинди.**

Ҳудудий солиқ органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатилаётган (ишлар бажариладиган) жойдан қатъи назар уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан бюджетга тўланган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди.

Ушбу янгиликлар республика ҳукуматининг микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектлари учун қулай шароитларни яратиш, уларнинг ривожланишини таъминлаш ва ҳуқуқларини қонуний ҳимоя қилиш мақсадидаги саъй- ҳаракатидир.

Юқоридаги Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ва туман давлат солиқ инспекциялари томонидан бир қатор амалий ишлар қилинди. Жумладан, 11 та туман тадбиркорлари ва солиқ идоралари раҳбарлари иштирокида кўплаб семинарлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев иштирок этиб, тадбиркорлар томонидан берилган саволлар, юзага келаётган муаммоларнинг ечими бўйича тегишли тушунтиришлар берди. Бизнес субъектлари раҳбарлари иқтисодиётни янада ривожлантириш, солиқ ва молия тизими ишларини яхшилаш борасидаги ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида шаҳар солиқ идоралари томонидан микрофирма ва кичик корхоналар таҳлил қилиниб, текширилмаслиги лозим бўлган тадбиркорлик субъектлари аниқланди ва тасдиқланган текширишлар режа-жадвалида мавжуд бўлган бундай хўжалик субъектларини текширувдан чиқариш бўйича таклифлар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашига тақдим этилди. Бу эса, ўз навбатида, 2005 йил тўртинчи чорак текширишлар режа-жадвалининг 39,1 фоизга қисқаришига олиб келади. Шу билан бирга 2006 йил текширишлар режа-жадвали лойиҳасини тузиш жараёни ҳам мазкур Фармон талаблари доирасида амалга оширилмоқда. Айни кунларда туман Давлат солиқ инспекциялари томонидан ҳам тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари иштирокида мазкур ҳужжат талабларини кенг кўламда тушунтириш ва тарғиб этиш борасида семинар-йиғилишлар ўтказилмоқда.

**Жалолиддин ҲУКУМОВ,**
**Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг бўлими бошлиғи**

*Бугун — Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган кун*

## МЕҲР БИЛАН ҚАДРЛАЙЛИК

**Ўз тилига эга бўлиш — бу ҳар қандай миллатнинг миллат эканлигининг асосий ва зарур белгисидир. Она тилимиз бой ва ранг-барангдир. Унинг бойлиги халқ оғзаки ижодиёти намуналарида ва ёзма манбаларда ўз ифодасини топиб келмоқда. Шу боис ҳам ўзбек тили дунёдаги энг бой тиллардан биридир.**

Ўзбек тили умумий туркий адабий тил таркибида ҳам ўзининг салмоқли ўрнига эга эди. Бу ҳолни Аҳмад Яссавийнинг «Тилим туркийдир, барча тиллардан кўрклидир» мазмунидаги фикри ҳам яққол исботлаб турибди.

Мустақиллигимиз арафасида — 1989 йилнинг 21 октябрида Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинди. Тил ҳақидаги қонуннинг 2-моддасида ажойиб сатрлар мавжуд. Ўзбек тили ўзбек халқининг маънавий мулкидир». Ана шу бирор-бир қимматга тенглаштириш мумкин бўлмаган бебаҳо мулкка меҳр билан қарашимиз, сидқидилдан садоқатли бўлишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Барчамиз тилимизни нафақат мукаммал эгаллашимиз, уни халқаро миқёсга олиб чиқиш учун ҳаракат қилишимиз лозим. Миллат тилини юқори кўтаришимиз, унинг қадрини ошириш йўлида қилинаётган ҳар қандай ҳаракатни миллийликка, ўз тафаккурига, маданияти ва маърифатига интилиш деб баҳоламоқ керак. Ахир, ўз она тилига содиқ бўлиш ватанпарварлик белгиларидан бирику.

Шундай экан, уни тўла маънода эгаллашимиз шарт. Ўз Ватанимиз Ўзбекистон тилини ҳурмат қилмасдан туриб, бошқа тилларнинг қадрига етиш амри маҳол.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллатни миллат қилиб турган ўзак белгиси ҳам тилдир. Ҳар бир миллатни ўзига ва ўзга халқларга танитадиган муҳим восита, халқнинг миллий қиёфасини белгиловчи восита бу тилдир.

**Дилдора АБДУХОЛИҚОВА,**
**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг 1-курс талабаси**

## МИЛЛАТИМИЗНИНГ УЛУҒ БОЙЛИГИ

**Тил ўлик жисмга жон бағишлай олади, жонга эса жонондан хабар етказади. Тил инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб, олий мартабага кўтарди. Балки ундан ҳам қимматлироқ гавҳар йўқдир.**

Бу пурмаъно сатрлар улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари қаламига мансуб. Чиндан ҳам тил инсониятнинг катта кашфиёти, ҳар бир миллатнинг улкан бойлиги, бебаҳо мулкидир.

Мутахассислар тахминига кўра, ҳозир сайёрамиздаги тиллар сони беш мингтагача етади. Улар орасида истеъмолдан чиқиб бораётган ёхуд бор-йўғи бир неча минг кишигина сўзлашадиганлари ҳам бор. Дунё бўйича давлат тили мақомига эга тилларнинг сони эса юзтага етар-етмас.

Ўзбек тили узоқ тарихга, бетакрор жозиба ва назокатга эга. Сайёрамизда бу тилда сўзлашувчилар сони ўттиз миллиондан ошади. Бошқача айтганда, дунёда ҳар икки юз кишидан бири ўзбекча гаплашади.

Бундан ўн олти йил муқаддам мамлакатимизда «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган эди. 1995 йилнинг 21 декабрида ушбу қонуннинг янги таҳрири кучга кирди. Ўтган йиллар давомида мазкур ҳужжатнинг ижроси юзасидан кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда давлат тилини ўрганиш учун барча шарт-шароит яратилган. Тилимиз кўпгина хорижий мамлакатларда ҳам олим ва мутахассислар томонидан тадқиқ этилмоқда, чет эллардаги нуфузли олий ўқув юртлари дастуридан ўрин олаётир.

Тил ҳақидаги қонунда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилиши, тегишли ҳужжатлар давлат тилида қабул қилиниши ва эълон этилиши белгиланган. Аммо, афсуски, айрим идора ва ташкилотлар қонуннинг бу талаблари ижросига ҳамиша ҳам жиддий эътибор бераётгани йўқ. Баъзи муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмалари муҳрлари, тамғалари, иш қоғозлари матни ҳамон давлат тилида битилмаганига дуч келамиз. Бунга Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги ва «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида»ги қонунларини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси маълумотларидан кўплаб мисол келтириш мумкин.

Мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектлар номлари давлат тилида акс эттирилиши лозим. Бу — қонун талаби. Бироқ, айрим жойларда юртимиз ва миллатимизга дахли бўлмаган шахсларнинг номлари, бегона тиллардаги атамалар ҳали-ҳануз учраётганини қандай баҳолаш мумкин?

Бугунги кунда ёшларимиз орасида бир нечта хорижий тилда бемалол гаплаша оладиган йигит-қизлар тобора кўпаймоқда. Мамлакатимиз тараққий этган давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилаётган бир пайтда, глобаллашув шароитида қанча кўп тилни ўргансак, шунча яхши. Лекин она тилимизни, давлат тилини пухта билиш, уни ардоқлаш ҳар биримиз учун фарз эканини унутмаслигимиз керак.

Тилга эътибор ва эҳтиром Ватанга муҳаббат ва садоқатнинг амалий ифодаларидандир. Чунки ўзбек тили миллатимизнинг муқаддас ва бебаҳо бойлигидир. У асрлар давомида сайқал топиб, тараққий этиб келмоқда. Бинобарин, она тилимизнинг — давлат тилининг софлиги, қадр-қимматини асраш, бу борадаги қонунларга риоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

*Иқтисодиёт*

## МАВСУМИЙ КИЙИМ-КЕЧАКЛАР

**Бозорларимизда «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи қўйилган кийим-кечаклар ўзининг чиройли бичими ва ранги билан харидор эътиборини тортаётгани қувонарлидир.**

«IGO-TEX» масъулияти чекланган жамияти ана шундай замонавий ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналардан саналади. Ҳозирда корхона жамоаси 60 хилдан ортиқ эркаклар, аёллар ва болалар устки кийим-бошларини мижозларга етказиб бермоқда. Маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот ҳолигача бўлган жараёнда жамоа ходимларининг ишлари бир-биридан фарқ қилади. Маҳсулот тайёр ҳолга келгунга қадар бир нечта қўлдан ўтади. Бунда эса корхона ходимларига замонавий технологияларнинг қўл келиши табиий.

Ҳозирда жамоа Япониянинг «Brother» фирмасидан келтирилган тўқув машиналари асосида иш олиб бормоқда. Шунингдек, корхона цехларига «Текстим», «Агат» номдаги Германия ускуналари ҳам ўрнатилган.

Айни пайтда корхонанинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 140 миллион сўмни ташкил қилади. Келгусида бу кўрсаткични яна бир ярим бараварга ошириш ва тайёр маҳсулотни бошқа давлатларга ҳам экспорт қилиш жамоанинг асосий мақсадларидандир.

## ПАХТА ТОЛАСИДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТ

**Бугунги кунда «Ҳамкортекстиль» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида тайёрланган маҳсулотлар ички бозоримизда ўз харидорига эга.**

Бу ерда маҳаллий хом ашёдан, яъни пахтадан тайёрланган ип-калава ёрдамида халатлар ва сочиқлар ишлаб чиқарилади. Ишчилари сафи бир неча бараварга кенгайган корхона маҳсулотларига зарур хом ашё Тошкент ва Бухоро тўқимачилик комбинатларидан олинади.

Ички бозорда аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилаётган корхона мутахассислари маҳсулотнинг сифатига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Шу ўринда «Тошкент универмаги», «Чилонзор» савдо маркази ва шу каби йирик савдо шохобчалари корхона маҳсулотларини шартнома асосида сотиб олаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунда корхона ходимларининг бирдан-бир мақсади маҳсулотларни дунё бозорига чиқариш, экспортни йўлга қўйишдир. Бунда эса мутахассислар тинмай изланишда ва ҳаракатдалиги кишини қувонтиради.

**Орзугул РУСТАМОВА**

## ТИЛ НУФУЗИ — ЭЛ НУФУЗИ

**Ҳозирги пайтда 6 миллиарддан ошиб кетган дунё аҳолиси 2976 та тилда гаплашади. Биргина Ҳиндистон аҳолиси 800 га яқин тилда мулоқот қилади. Энг муҳим шартлардан бири — тил бирлигидир. Ҳар қандай миллат ўз тилини йўқотса, миллий ўзига хослигини ҳам йўқотади. Шундай бўлгач, каттадир-кичикдир, бирон бир миллий тилнинг йўқолишини инсоният маданиятидаги катта йўқотиш сифатида баҳоламоқ лозим.**

Бундан 16 йил илгари қабул қилинган Ўзбекистоннинг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни туфайли ўзбек тилининг ривожига ёркин йўллар кўрина бошлади.

Зеро, она тилига бўлган эътибор, биринчи навбатда, элга қилинган эътибордир. Тилга эътибор — дилга эътибор: дилдан тилга чиқади ва аксинча, тилдаги дилни намоён қилади. Демак, тил маданияти — бу дил маданияти. Ҳақиқий ривожланишни аввало халқнинг дили ва тили белгилайди.

Фидойи педагог, маънавиятимиз ва маданиятимиз ривожи учун катта ҳисса қўшган Абдулла Авлоний «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойна ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмоқдур» деб ёзгани ҳам бежиз эмас.

Ҳозирги кунларимизга қайтадиган бўлсак, мамлакатимизда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганига ўн олти йил тўлиб, тилимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаётимизнинг барча соҳаларида амал қилмоқда. Бу ҳол ўзини шу мустақил юртнинг фарзанди деб билган ҳар бир ватандошимиз кўксида фахр туйғусини уйғотиши табиийдир.

Мустақил давлатлар орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб қабул қилган — ўзбек тилимизга давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги ушбу Қонун билан ҳар қанча ғурурлансак арзийди.

Истиқлолнинг қалдирғочи бўлган ушбу ҳужжат дунё халқлари тиллари ўртасида ўзига хос, мос ўрнига эга бўлган она тилимизга ўз бўй-бастини тўла намойиш қилиш имконини берди ва 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси уни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлади. Ўзлигимиз кўзгуси бўлган мазкур Қонун одил ва демократик жамият қураётган мамлакатнинг энг муҳим давлат ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Бунинг натижасида нафақат ўзбек тилини, балки Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг тилларини янада ривожлантириш учун имконият яратилди. Чунки, ўзбек тили шунчаки алоқа воситаси эмас, балки у халқ маданияти ва маънавиятининг, миллат мафкурасининг таркибий қисмидир.

Ўзбекистоннинг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни ўта халқчиллиги билан ажралиб туради. Унда Ўзбекистонда яшовчи қардош халқлар, элатлар, манфаатлари тўла ҳимоя қилинган, яъни уларга ўз она тилларида иш юритиш, билим олиш, маданий марказлар тузишга катта имкониятлар берилган.

Тилнинг Давлат мақомини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири — нутқ маданиятидир. Бу борада айрим муаммолар борлигини айтиб ўтиш жоиз. Ўзаро муомалада ҳамон: «Эрталаб звонить қилдим», «Менга не жалко», «Директор принимать қилаяптими?», «Очередда турибсизми?», «Жой зайнитми?», «Чилanзарский районда яшайди», «Мана шу заявленияга қўл қўйиб беракансиз», «Обшежитада тураман», «Мен, прям я не знаю, нима қиларкан буни?», «Унга бу не касается» каби чала русча, чала ўзбекча аралаштириб сўзлашув каби маданиятсизликдан воз кеча олмаяпмиз. Ўз нутқида икки тил сўзларини бефарқ аралаштириб қўллаш ҳар иккала тилга ҳам бўлган ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас, буларнинг ҳаммаси нутқ маданиятига эътиборни кучайтиришни тақозо этади.

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми бериш ҳақидаги Қонун тилимизнинг мустақиллик шароитида беқиёс ривожига чинакам асос бўлади. Бу қонуннинг бажарилиши, тилимизга ҳурмат ҳамма вақт ҳар биримизнинг диққат марказимизда бўлмоғи керак.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**
**Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлимининг масъул ходими**

*Тадбирлар*

## ТАЛАБАЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

**Йўлдош Охунбобоев номли тиббиёт коллежида ўзбек тилига Давлат мақоми берилганига 16 йил тўлиши муносабати билан «Тил — миллат виждони» мавзусида кеча бўлиб ўтди.**

Тадбирга ташриф буюрган «Маънавият ва маърифат» марказининг Шайхонтоҳур туман бўлими раҳбари Сабоҳат Ҳамидова, «Гулистон» журналининг бош муҳаррири Азим Суюн, «Жаҳон адабиёти» журналининг бош муҳаррир ўринбосари, шоир Мирпўлат Мирзо, адабиётшунос Ортиқбой Абдуллаев, ёш шоира Манзура Шамс она тилининг буюк қудрати ҳақида гапириб, ўзлари ёзган шеърларидан намуналар ўқиб бердилар. Айниқса, Аброр Ҳидоятов номли Ўзбек Давлат драма театри артистлари ижросидаги саҳна кўринишлари, дилтортар куй ва қўшиқлар кечага янада файз киритди. Талабаларнинг буюк алломалар Маҳмуд Қошғарий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур сиймоларидаги чиқишлари ҳам йиғилганлар эътиборини тортди.

Кечада ўқувчилар тил ҳақидаги шеърлардан ёд олишди. Коллежнинг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича директор ўринбосари Мухтабар Солиҳова давлат тили ҳақида сўзлар экан, тил бор экан миллат яшайди, тил — миллат виждонидир, деган фикрлар билан кечани якунлади.

Қизиқарли ўтган тадбир талабалар қалбида чуқур из қолдирди.

**Насиба МУҲИБОВА**

*Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятидан*

# ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ САМАРАЛИ ЎТМОҚДА

**Халқимиз азал-азалдан осойишта, ҳар хил бало-қазолардан ҳоли ҳаётни саодатнинг ажралмас бўлаги деб билган. Айниқса, эл орасида тез-тез тилга олинадиган: "Ўт балосидан, сув балосидан асрасин" тарзидаги мақолларда бу ҳақиқатнинг теран ифодасини кўрамиз.**

**Шу маънода кундалик турмушимизда учраб турадиган — зилзила, ёнғин, сув тошқинлари ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш борасидаги чора-тадбирлар юзасидан республика Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши Фавқулодда вазиятлар бўйича мувофиқлаштирувчиси Нилуфар РАҲИМБОЕВА қуйидагиларга тўхталиб ўтди.**

— Назаримда мулоҳазаларимиз баёнини бироз олдинроқдан, аниқроғи, мамлакатимизда Қизил Ярим Ой жамиятининг вужудга келишидан бошласак мақсадга мувофиқ бўлади. Гап шундаки, меҳр-шафқат, инсоний фазилатларнинг энг олижаноб тамойиллари халқимиз менталитетининг ўзига хос жиҳатларини ташкил этади.

Ўзбекистонда Қизил Ярим Ой жамияти 1925 йилда ташкил топган. Истиқлолдан кейин жамият Халқаро федерациянинг Фавқулодда вазиятлар бўйича комиссиясига аъзо этиб сайланди. Жамият қатор муҳим ижтимоий дастурларни татбиқ этимоқда. Аҳолини табиий ва бошқа офатларга тайёрлаш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича "Сабот-матонат" ҳамда ёлғиз ногиронлар, қариялар, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларига ёрдам кўрсатиш доирасидаги "Биз сиз билан" дастурлари шулар жумласидандир.

ҚЯОЖ Тошкент шаҳар Кенгаши фавқулодда вазиятлар йўналиши бўйича жорий йил давомида бир қанча тадбирларни ўтказишни белгилаб олган. Жумладан, Чилонзор туманидаги "Чилонзор", Шайхонтоҳур туманидаги "Қоратош" маҳаллаларида фавқулодда вазиятлар содир этилган пайтларда фуқаролар муҳофазасини ташкил этиш юзасидан ўқув семинар-тренинглари олиб борилди. Ҳозир белгилаб олингандек, режада ана шу йўналишидаги тадбиримизни Мирзо Улуғбек туманидаги Улуғбек маҳалласида ўтказишни кўзда тутганмиз.

Машғулотларни олиб бориш қонун-қоидаларида қайд этилганидек, фавқулодда вазият содир бўлган пайтда, масалан, маҳаллада 9 кишидан иборат фуқаро муҳофазаси штаби тузилади. Штаб раҳбари этиб маҳалла оқсоқоли тайинланади. Штаб аъзолари тез фурсатлар ичида фавқулодда вазиятларга тайёрлаш жамоат кенгашини тузадилар. Кенгашнинг биринчи йўналишида алоқа, ахборот ва хабар бериш гуруҳи ҳамда инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш гуруҳи фаолият юритади. Шундан сўнг биринчи йўналиш доирасида вазиятни баҳолаш гуруҳида 5 киши фавқулодда вазиятдан азият кўрганларга ёрдам беради. Иккинчи гуруҳ аъзолари эса тиббий ёрдам ва аҳолини кўчириш (эвакуация қилиш) ишлари билан шуғулланадилар.

Олиб борилаётган тактик-махсус ўқув машғулотлари ва кузатувлар фавқулодда вазиятлар ҳеч қачон фурсат кутиб турмаслигини, кулфат ёппасига қутқу солган маҳалда ёнма-ён яшовчилар, бир маҳалла аҳллари бир-бирига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиши лозимлигини, ҳар қандай гина-кудуратларни рўкач қилиб хотиржамликка берилиш лозим эмаслигини кўрсатмоқда. Нима бўлган тақдирда ҳам энг муҳими огоҳ бўлишимиз, ана шу эътибор осойишталик кафолати эканлигини ёдда тутиш керак.

Бундан ташқари ҳар қандай аҳоли яшайдиган объект вакили фавқулодда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қонун-қоидаларини яхши билиши — қон оққанда, юрак-ўпка хасталиклари хуруж қилганида, юқумли касалликлар бактериологик қуроллар орқали тарқатилганида ўзи ва ўзгаларга ёрдам қўлини чўза олиши зарур. Бироқ ўқув-тактик машғулотлар даврида фуқароларнинг бундай вазиятларга бирмунча лоқайд муносабатда эканлиги сезилиб қолмоқда.

Ўйлаймизки, келажакда фавқулодда вазиятлар вақтида фуқароларимиз ўзларининг фаоллиги, жонкуярлиги, фидойилиги билан тадбирларимизнинг янада жонли ўтишига ўз ҳиссасини қўшадилар. Зотан, халқимиз таъбирича, "Кўза кунда эмас, кунида синади".

**Хидирали ПАНЖИЕВ ёзиб олди**

# МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

**22 ОКТЯБРЬ, ШАНБА**

**Яна мунажжим Лина Саванская таъбирига назар ташлаймиз: у бугун ишловчи ҳар бир инсон ўз малакасини ошириш билан шуғулланиши ёки шу йўлдаги ҳаракатни бошлаб юборишини тавсия этади. Шунингдек, у иш ёки ўқиш жойини ўзгартириш, ҳеч бўлмаганда машғулот тури ёки жиҳозларни ўзгартириш хайрли бўлишини таъкидлайди.**

Юлдузлар ҳисобчиси С.Ильичёв, бирон муносабат билан қасам ичиш, шартномаларни имзолаш, ишга кириш мумкин, дея маслаҳат беради. Жамоат ишлари, жамоадаги ишлар янги уйга кўчиб ўтиш, эшикларни таъмирлаш, ер участкасини ўлчатиб олиш ҳам бугун хайрли бўлиши кутилади. Шу куни очиқ судлар, ўз эътиқодида собитқадамлик синовлари уюштирилиши мумкин.

**ШАНБА КУНИДА:**

— янги ишни бошлаш;

— иш, ўқиш жойини, машғулот турини, жиҳозларни алмаштириш;

— касб малакаларини ошириш, янги мутахассисликни эгаллаш;

— олий ўқув юртлари ўқитувчилари, жамоат арбоблари, депутатлар билан мулоқотда бўлиш;

— ўз куч ва маблағларингизни тўғри тақсимлаш;

Худбинлик, манманликни намоён этиш, хулқ-атворингиздаги салбий ҳислатларни ошкор қилишдан эҳтиёт бўлинг.

**23 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА**

**Бу галги якшанба нейтрал астрологик фонга эга бўлиб, ижодкорлик руҳи Қуёш билан қора ишлар рамзи тунги Ой ўртасидаги астрологик эркинлик ҳолати эзгулик билан ёмонликни танлаш ихтиёрини инсонларнинг ўзларида қолдиради. Ойнинг 20-куни рамзи эса, ўз уйимиз, авлодлар ворислигини асрашга даъват этади.**

Шу куни янги танишлар орттириш, ўқиш ёки соғломлаштириш ишларини бошлаб юбориш, саёҳатларга йўл олиш хайрли бўлади. Лекин бугун болалар ҳаммадан кўпроқ эътиборга ва ғамхўрликка муҳтож бўлишларини эсингизда тутинг. Албатта уларга вақт топинг, болаларни ёлғиз қолдирманг, илтимос ва инжиқликларига қулоқ тутинг.

Ўтганларни эслаш, қариндош-уруғлар билан дийдор кўришиш, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланиш бугунги кунингиз мароқли ўтишини таъминлайди.

**БУГУН:**

— саёҳатлар, сафарларга йўл олиш;

— транспорт воситасини, санъат асарлари, китоблар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни сотиб олиш;

— ҳуқуқшунослар ва банк ходимлари билан учрашиш;

— шартномаларни имзолаш, гувоҳномалар, ишончномалар ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш;

Танангизнинг ҳаддан зиёд совиб кетишига йўл қўйиш, зиқналик қилиш, ўжарликдан ўзингизни тийинг.

**24 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА**

**Таваккалига иш кўрмай, ҳар қандай ишда эҳтиёткор бўлиш бугунги кунингизнинг кўнгилдагидай ўтишига ишончли кафолат бўлади. Саломатлигингизни эҳтиёт қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратинг. Бугунги кун қад-қомат масаласи, умуртқанинг соғломлигини мустаҳкамлаш эҳтиёжи сезилади.**

Бу кеча кўрилган тушлар тўғридан-тўғри таъбир қилинади, тез орада ўнгидан келади.

Саломатлик масаласида ошқозонингизни асраб-авайланг, ҳазми оғир таомлардан ўзингизни тортинг. Ҳаммом қилиш, жисмоний машқлар, югуриш, кўпроқ ҳаракат қилиш, соғлиқни мустаҳкамловчи муолажалар фойдали бўлади.

**ДУШАНБАДА:**

— бошлаб қўйган ишларингизни давом эттириш;

— иш ва дам олишда ўзингизга қулай шароитлар яратиб олиш;

— ижтимоий таъминот идоралари ходимлари билан мулоқотда бўлиш;

— мумтоз адабиётни мутолаа қилиш, телевизион фильмлар, кўрсатувларни томоша қилиш;

Ўзингиз учун бутунлай янги бўлган иш билан машғул бўлиш, тиш оғриғи ва саломатлигингиз ёмонлашишига бефарқ бўлишдан эҳтиёт бўлинг.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг очиқ кимошди савдоси ўтказилади.**

**2005 йил 3 ноябрь куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:**

1. «БМВ-325» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 10 000 000 сўм, техник носоз-Юнусобод-238/4.

2. "Ваз-2101" автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 L 6883, бошланғич нархи 1 345 850 сўм, техник соз-Учтепа-241/4;

3. «Юмз-6Кл» трактори, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 26 40 ЕГ, бошланғич нархи 335 781 сўм,-С.Раҳимов-160/4

4. «Газ-2217-5304» автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 4 160 000 сўм, техник соз-Юнусобод-80/1;

5. «Газ2411» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 07-87, бошланғич нархи 1 103 954 сўм, техник носоз- Миробод-49/4;

6. «Урал-4320» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 34-14 ТНФ, бошлангич нархи 9 600 000 сўм, техник носоз-Миробод-191/1;

7. «Пежо-206» автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 W 67-76, бошланғич нархи 18 000 000 сўм, техник соз-Юнусобод-135/4;

8. «Ваз-2108» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 К 57-56, бошланғич нархи 1 536 000 сўм, техник носоз-Шайхонтохур-10/4;

9. "БМВ-525" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси В 469 SHM, бошланғич нархи 2 200 000 сўм, техник соз-Юнусобод-229/4;

10. «Мазда-626», автомобили, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 3 600 000сўм, техник носоз-Юнусобод-102/1;

11. «Газ-53» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 57-20 ТНМ, бошланғич нархи 199 430 сўм, техник носоз-Яккасарой -2/4;

12. «Газ-3306» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 47-33 ТНП, бошланғич нархи 1 212 741 сўм, техник носоз-Яккасарой-3/4;

13. «Иж-2715» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 985 711 сўм, техник носоз-Юнусобод-77/1

14. "Газ-24" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 F 49-11, бошланғич нархи 512 600 сўм, техник носоз-Яккасарой-1031/13;

15. "Ваз-2106" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 05-16 ТН, бошланғич нархи 618 134 сўм, техник носоз-Яккасарой-1030/13;

**2005 йил 23 ноябрь куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:**

1. «Ваз-2106» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами белгиси 10 Z87-67, бошланғич нархи 515843 сўм, техник носоз-Миробод-252/4;

2. «Газ-31029» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AL 729, бошланғич нархи 351 558 сўм, техник носоз-Сергели-255/4;

3. «Эсперо» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 К 65-23, бошланғич нархи 4 466 776 сўм, техник соз-С.Раҳимов-258/4;

4. «Дэу-супер салон» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўк, бошланғич нархи 10 000 000 сўм, техник соз-Юнусобод-263/4;

5. «Дэу-супер-салон» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 10 000 000 сўм, техник соз-Юнусобод-262/4;

6. «Тойота-ленд-крузер» автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ,бошланғич нархи 40 000 000 сўм, техник соз-Юнусобод-261/4

**Кимошди савдолари соат 16-00да бошланади.**

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 12.00дан 18.00га қадар ишчи гуруҳ вакиллари томонидан амалга оширилади ва ким ошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.

**Манзил: Тошкент шахри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар:, 144-54-08, 41-16-38.**


# ЁШ САНЪАТКОРЛАРИМИЗНИНГ УЛКАН ЮТУҒИ

**Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтган тўртинчи халқаро ёш опера хонандалари танловида 24 давлатдан келган вакиллар қатори ўзбекистонлик хонанда ва мусиқачилар ҳам иштирок этдилар.**

Танловда «Ниҳол» мукофоти совриндори, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси Абдумалик Абдуқаюмов учинчи ўрин ҳамда «Пётр Чайковский романсларининг энг яхши ижроси учун» совринини қўлга киритди. Консерваториянинг яна бир талабаси Комила Аҳмаджонова эса «Танловнинг энг яхши концертмейстери» махсус дипломига сазовор бўлди.

Мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу танловда ўзбекистонлик иштирокчилар, айниқса А.Абдуқаюмовнинг ноёб истеъдоди, бетакрор овози, ижро маҳорати ҳайъат аъзолари ва мусиқашуносларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. Яна бир эътиборли томони шундаки, Санкт-Петербург танловида Абдумаликнинг иқтидоридан лол қолган франциялик мутахассислар ёш ўзбек хонандасини мазкур мамлакатнинг Энгьен фестивали махсус мукофотига ҳам лойиқ топишди. Абдумалик 2006 йилда Францияда концерт бериш учун шартнома имзолади.

Санъатнинг турли соҳаларида изланаётган ёшларимизнинг халқаро кўриклар, нуфузли анжуман ва фестивалларда юқори натижаларга эришаётгани бежиз эмас. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларни ҳар томонлама камол топтириш ва рағбатлантириш учун мамлакатимизда барча шароит яратилган. Ёшлар учун «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилгани бунинг яна бир яққол далилидир.

Ҳозиргача элликдан зиёд иқтидорли ёш санъаткорлар ана шу мукофот билан тақдирланди. Уларнинг аксарияти давлатимизнинг юксак унвонларига сазовор бўлди. Фазлиддин Ҳусанов, Дилшод Назаров, Комил Мусаев каби ижрочилар нуфузли халқаро танловларда муваффақиятли қатнашиб, Ватанимиз довруғини жаҳонга таратаётган бўлса, мақом йўналишида ижод қилаётган Дилнура Қодиржонова 2003 йилда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида бош соврин - Гран-прини қўлга киритди.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида «Ниҳол» мукофоти билан тақдирланган А.Абдуқаюмов нафақат Санкт-Петербургда, бошқа бир қатор халқаро кўрик-танловларда ҳам ғолибликни қўлга киритган. Шу йил Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган «Романс жозибаси» VIII Халқаро ижрочилар кўрик-танловида ҳамюртимиз бош мукофот - Гран-прига сазовор бўлгани фикримизнинг исботидир.

Иқтидорли пианиночи ва концертмейстер Комила Аҳмаджонова ҳам кўплаб халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Бу муваффақиятлар нафақат истеъдодли ёш санъаткорларимизнинг, балки мустақил давлатимизнинг ҳам улкан ютуғидир. Уларнинг парвози бундан-да юксалишига шубҳа йўқ.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Уч киши борки, уларнинг бадани ёки жони доимо азобда бўлади. Биринчиси, ҳеч бир қуролсиз, менга етиб келмайди деб, душман сафига ўзини урган жангчи. У жангда ўлмаса ҳам бирорта душман қиличидан захм ейиши муқаррардир. Иккинчиси, ёш ва соҳибжамол хотинга уйланган қари киши. Ёш хотин уни заҳарлаб ўлдирмаган ҳолда ҳам ёш ва чиройли йигитларга таъма кўзи билан қарайди. Учинчиси, бола-чақаси бўлмаган пулдор киши. Уни гарчи ўғрилар ўлдириб кетмаса-да, унинг ўзи бойлигини кимга қолдириш ҳақида қайғуриб, азобда ўтади.

● Уч киши истеҳзода ва масхаралашга сазовордир. Биринчиси, жанг майдонига ботирлар қаторида тушиб, кўпгина душманни қиличдан ўтказдим, деб лоф урса-да, бирор жойида на тилиниш ва на захм бўлмаган киши. Иккинчиси, илму ҳикмат йўлида ўзининг беҳад риёзат чекаётганини мақтаган, аммо семиз ва юзлари қип-қизил бўлган киши. Учинчиси, ўзининг кимлиги ҳақида мақтаниб, бирор киши ўзи билмаган нарса ҳақида савол берса, саволдан қўрқиб, даҳшатга тушган киши!

● Уч киши доимо ғаму андуҳга гирифтордир. Биринчиси, учқур оти бору аммо уни минолмаган ва минишга қўрққан киши. Иккинчиси, дастурхонида хилма - хил лазиз таом бору аммо уни ейишнинг уддасидан чиқмаган иштаҳасиз киши. Учинчиси, соҳибжамол хотини бўлиб, ўзи хунук ва касал бўлган киши.

● Келтиришларича, Абужаъфар Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн дадаси ҳақида ҳикоят қилиб, шундай деган:

— Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатчилик қилма, улар билан ҳеч қачон суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» — деб сўрадим. Дадам: «Биринчиси фисқу фужур аҳли! Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир луқма нарса учун сени сотишдан тоймайди. Уларнинг бир қисми луқмапарастлардир. Уларнинг одати шуки, сендан бирон нарса таъма қиладилар. Агар бермасанг, оғзини мойламасанг халқ ичида ёмон гап тарқатади, обрўингни туширади. Одамлар уларнинг гапига ишониб, сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар! — деди.

Мен иккинчи тоифани сўрадим. У деди:

— Иккинчиси бахил ва хасислардир. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, улар сенга ҳеч қачон бермайдилар. Сенинг молу давлатингга кўз тикадилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўплигида дўстларим кўп эди. Фақирликка тушганимда улар душманимга айланишди, таъна тошини отишди! Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлғончилардир. Кимда бу ҳислат борлигини сезсанг, ундан узоқроқ бўл! Улар шаробга ўхшайдилар. Сени ўз яқинларингдан айириб қўядилар ва бегоналарга яқинлаштирадилар. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, аҳмоқ ва нодон кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат аста-секин кишига таъсир этади, тўғри йўлдан оздиради, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа кишилар лақма, лаванг ҳамда дилида меҳри йўқ кишилардир.

Эй, азиз сен доимо олим ва фозил кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишга интил, нодон ва ёмон ниятли кишилардан қоч, уларнинг тоифасига қўшилма, сўзларини эшитма! Сен юқоридаги ҳикоятни ўқидинг, унинг мағзини чақ, яхши дўстлар топишга урин, улар сени доимо қўллаб-қувватлайдилар!

# “АЯЖОНЛАРИМ” — ЯНА САҲНАДА

**Аброр Ҳидоятов номли Ўзбек драма театрида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган, ёзувчи қаламига мансуб “Аяжонларим” икки пардали комедияси премьераси бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб-чиқариш бирлашмаси, Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри ҳамкорликларида ташкил этилди. Ушбу спектакль Республика сатира театри томонидан олиб чиқилди. Саҳналаштирувчи режиссёр Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофоти совриндори Баҳодир Йўлдошев актёрларнинг маҳоратли ижросини таъминлашда катта меҳнатини сарфлади. Асарнинг муваффақиятли тарзда саҳна юзини кўришида режиссёр У. Марасимов, актёрлар Ш. Абдуллаева, А. Иботулина, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист З. Исмоилова, шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т.Содиқов, М.Нурматовларнинг ижросидаги ролларни ўзига хос ўрин тутди. Шунингдек, ёш актёрлар М.Ихласов (Каримжон ролида), З.Раимкулова (Умида ролида) севимли адибимиз асарини катта саҳнада ижро этишлари санъатга меҳр қўйган ёш иқтидорларнинг етишиб чиқаётганидан далолат берди.

Ўзбек оиласининг оддий, лекин ранг-баранг воқеаларга бой ҳаётининг айрим жиҳатлари актёрлар томонидан маҳорат билан ижро этилганлиги томошабинларнинг қарсакларидан ҳам маълум бўлди. Шунингдек, асарда ҳазил-мутойиба, юморга алоҳида эътибор берилганлиги, ёшларнинг ота-онага ҳурмат билан ёндашуври, уларнинг алангаланган муҳаббатлари сари интилишлари шубҳасиз ҳар бир томошабинни ҳаётда тўғри йўлдан боришга, аввало оилага, ватанга меҳр-муҳаббат билан ёндашишга чорлайди.

**Юлдуз УСМОН**





**СУРАТЛАРДА: «Аяжонларим» комедиясидан лавҳалар.**
**А.Рисқиев (ЎзА) олган суратлар.**

## ҚАНОТ ЖУФТ БЎЛАДИ

Эрталаб аёлим:

— Отаси, мен бугун опамникига бораман. Анчадан бери тоби йўқ, ётибди. Кўриб келаман, — деб қолди.

Кечқурун қайтишини тайинлаб розилик бердим. Қаричилик қурсин, хаёл билан бўлиб аёлим йўқлигини унутиб, тушликка уйга келибман.

— Онанг кўринмайди? — сўрайман қизлардан.

— Эрталаб холамникига кетганларку, — дейишади улар кулиб.

Болалар барака топишсин. Бир зумда чиройли дастурхон ёзишди. Олдимга чой-нонни муҳайё қилишди.

— Сиз бемалол тушлик қилаверинг. Биз невараларингиз ёнида бўламиз, — дея мени ҳоли қолдириб чиқиб кетишди.

Айниқса қариганингда одамнинг қадри билинаркан. Ёлғизлигим дарров билинди-қолди. Аёлим билан гап устида эзилиб ичадиган чойни бир зумда ичиб бўлдимда, кўчага отландим.

Кечки пайт қайтсам, у яна келмабди. Болалардан «тинчликми?»-дея хавотирланиб сўрасам улар: «Ойим бугун келмас эканлар. Холамникидагилар қўярда-қўймай бир кеча ётган олиб қолишибди. Телефон қилдилар», дейишди.

Кайфиятим бузилиб ноxушлик билан хонага кирдим. Қизлар, набиралар атрофимда парвона. Еб-ичиб бўлгач, улар ётоқхоналарига кириб кетишди. Бир ўзим ҳувиллаб қолдим. Тавба, — деяман ўзимга-ўзим, бир кунлик ёлғизлик азоби шунчалар бўлса, баъзилар йиллаб ёлғизликка қандай чидашар экан? Биздан олдин ўтганлар: «Қанот жуфт бўлади» деганларида шу маънони кўзда тутган эканлар.

## СИЗ ЎЗИНГИЗ ҚУРУВЧИСИЗКУ?

Яқин қариндошимиз Ботирбек янги уй олганини эшитиб, муборакбод этгани бордик. Янги қурилган осмонўпар бинонинг 18-хонадонини қидириб топиш унча қийин бўлмади.

Эшик қўнғироғини босишимиз билан остонада Ботирбекнинг аёли Хабибахон кўринди. Ўзбекона лутфдан сўнг у бизни ичкарига таклиф қилди.

— Янги уй муборак бўлсин, келин.

— Қуллуқ, йўқлаб келганингиз учун раҳмат.

— Ботирбек кўринмайди?

— Шу ердалар кираверинг. Ичкарида усталар билан гаплашиб турибдилар.

— Яна қанақа уста?

— Ҳа, энди янги уйнинг ҳам ўзига яраша ташвишлари бор экан-да.

Остонада Ботирбек кўринди.

— Эй отахон, бормисиз, бардам юрибсизми? Сизни кўрадиган кун ҳам бор эканку.

Қучоқ очиб кўришдик. Тўрт хонали уйнинг меҳмонхонасига бошлади у бизни. Енгил-елпи жиҳозланган, ўртага ночоргина шолча тўшалган хонадаги стол атрофидан жой олдик. Ҳорма, бор бўлдан сўнг, Ботирбек гап бошлади.

— Айбга буюрмайсиз, отахон, ҳали тўла кўчиб ўтганимизча йўқ. Баъзи хоналарнинг у ер, бу ерида қолиб кетган чала-чулпа ишларни ниҳоясига етказяпмиз.

— Нима экан у қурувчилар нигоҳидан четда қолган иш? — таажжуб билан сўраймиз ундан.

— Одатий юмушлар-да. Полга ёпиштирилган линолеумнинг четлари очилиб қолган, деворга ўрнатилган электр жиҳозлари омонат. Болали уй бўлгач, улар қайта мустаҳкамланмаса, эртага сими очилиб кетади. Шунақа енгил-елпи ишлар. Шунга уста ёллаган эдик. Икки кундан бери ишлаяпти. Ҳа энди иш бор жойда камчилик бўлади-да, — деб қўйди у сўзининг охирида.

Гап мавзуи ўз-ўзидан баъзи қурувчиларнинг шошма-шошарлиги, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш тутиши ҳақида борди. Ботирбек бу хусусдаги танқидий қарашларимизга унчалик рўйхуш бермай ўтирди. Кейин бирдан унинг ўзи ҳам қурувчи эканлигини эслаб қолдик.

— Дарвоқе, сизнинг ўзингиз ҳам қурилишда ишлайсизку, ишқилиб сизларнинг бригадангиз топширадиган уйларда бунақа камчиликлар бўлмайдими? — кулиб сўрадик ундан.

Бу сўзимиздан Ботирбек бир қизариб, бир бўзарди. Мулзам тортиб чой келтириш баҳонасида ошхонага чиқиб кетди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ШИРИН СЎЗ — ЖОН МАЛҲАМИ

Истеъдодли шифокорлар ҳамиша мана шу сўзга амал қиладилар. Каландимоғ, манман, ўзини ҳаммадан устун қўювчи, дардмандлар билан қўпол муомалада бўлувчи шифокорлардан Яратганнинг ўзи асрасин. Шифо истаб уларнинг қўлига тушиб қолсанг, қанча дори-дармон истеъмол қилганинг билан яхши наф тополмайсан. Чунки уларнинг хатти-ҳаракатларидан ўксиган кўнглга ҳар қандай дорининг ҳам унчалик таъсири бўлмайди.

Кўпдан бери эл оғзида юрадиган бир ҳикоят бор. Унинг қисқача мазмуни шундай. Шифокорнинг ширин сўзи бемор учун ҳар қандай дори-дармондан афзал, унинг ширинсуханлик билан берган оддий сувидан бемор шифо топиб, тезда оёққа туриб кетиши мумкин экан.

Мана шунга ўхшаш яна бир ривоят. Нақл қилишларича, Абу Али ибн Синонинг шогирдларидан бири тўшакда оғир дард билан иситмалаб, тобора кўзи нурсизланиб бораётган бир беморга муолажа қилиб тураркан. Беморнинг аҳволи ниҳоятда танг, тез-тез алаҳсирар, ҳолдан тойган кишидек чуқур-чуқур нафас оларди. Шогирд беморнинг бу аҳволини кўриб ночор ҳолга тушиб қолади. У беморга иссиғини туширувчи малҳам бериб устози Ибн Синога одам юбориб, тезда етиб келишини хабар қилади.

Орадан бироз ўтгач беморнинг яқинларидан бири югуриб чиқади.

— Акамиз ҳеч нима билмаяпти. Жуда оғирлашиб қолди.

Буни эшитиб шогирд қўрқиб кетди. У беморнинг яқини билан уйга кириб унга ширин сўзлар айтиб, қўлида бор бўлган малҳамдан яна ичиради. Бемор анча ўзига келиб кўзини очади.

Шу пайт Ибн Сино келиб шогирдидан сўрабди.

— Нима чора кўрдингиз?

— Ҳеч нима, фақат қўлимда бор бўлган иссиқни туширувчи малҳамдан ичириб, ботма-бот ширин сўз айтиб турдим. Шогирдининг бу гапидан Ибн Сино хурсанд бўлиб дебди.

— Сиз жуда тўғри иш қилибсиз. Сўз — малҳам. У баъзида ҳар қандай дори-дармондан устун туради. Бемор малҳамингиздан кўра, сизнинг ширин сўзингиздан даво топибди.

Ўшандан бери шифокорлар орасида «Ширин сўз — жон малҳами» деган гап қолган экан.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-908. 1 2 3 4 6